


## Малака ошириш маълумотларини бошқариш

### Малака ошириш маълумотларини шакллантириш

Малака оширган профессор-ўқитувчилар рўйхатини шакллантириш тизим ойнасининг **Xodimlar/Malaka oshirish** менюси орқали амалга оширилади (1-расм).




The screenshot shows the HEMIS OTM software interface. The left sidebar has a dark theme with white text. It includes sections like 'Xodimlar', 'Malaka oshirish' (which is currently selected), 'Tanlovdan o'tish', 'Talaba harakati', 'Fanlar bazasi', 'O'quv jarayoni', 'O'zlashtirish', 'Infrastruktura', and 'Reyting'. The main content area has a light blue header with 'Asosiy / Malaka oshirish'. Below the header are three tabs: 'Yaratish' (blue), 'Monitoring' (green), and 'Monitoring' (grey). There are dropdown menus for 'Fakultetni tanlang', 'Kafedrani tanlang', and 'Yilni tanlang'. The bottom right corner shows a user profile for 'JAMSHID ELOV'.

1-расм. Малака оширган ўқитувчиларни рўйхатга олиш

Малака оширган ўқитувчиларни рўйхатга олиш учун **+Yaratish** тугмасини танланг. Малака оширган ўқитувчилар маълумотларини шакллантириш ойнасида қуидаги амалларни бажаринг (2-расм):

- **Xodimni tanlang** майдонидан профессор ўқитувчини танланг;
- **Lavozim** майдонидан лавозимни танланг;
- **Malaka oshirish mavzusi** майдонига мавзуни киртинг;
- **O'qish joyi** майдонидан малака ошириш жойини танланг;
- **Yil** майдонидан ўқиган йилини танланг;
- **Boshlanish sanasi** майдонидан малака ошириш бошланиш санасини танлан;
- **Tugash sanasi** майдонидан малака ошириш тугаш санасини танланг;
- **Malaka oshirish hujjati** майдонига хужжат номери ва санасини киртинг (2-расм).



This screenshot shows the 'Monitoring' section of the HEMIS OTM software. The left sidebar is identical to the first screenshot. The main area shows a form for a teacher named 'XAMDAMOV UTKIR RAXMATILLAYEVICH'. The 'Malaka oshirish mavzusi' field contains 'Касбий малака ошириш'. The 'Lavozim' field is set to 'Professor'. The 'O'qish joyi' field is set to 'BIMM markazi'. The 'Yil' field is set to '2020'. Below these, there are date pickers for 'Boshlanish sanasi' (2020-01-02) and 'Tugash sanasi' (2020-01-31). The 'Malaka oshirish hujjati' field contains 'Sertifikat 01/10, 02.02.2020'. At the bottom right is a blue 'Saqlash' button.

2-расм. Ўқитувчининг маълумотини шакллантириш

Барча маълумотлар шакллантирилгандан сўнг **Saqlash** тугмасини танланг. Натижада маълумотлар сақланади.

Малака ошириш маълумотлари шакллантирилган ўқитувчиларнинг рўйхатини кўриш тизим ойнасининг **Xodimlar/Malaka oshirish** менюси орқали амалга оширилади (3-расм).

The screenshot shows a search interface for 'Xodimlar' (Employees). The search results table has columns: # Xodim, Kafedra, Lavozim, Ilmiy daraja, Ilmiy unvon, O'qish joyi, O'qish muddati, Yil, and Faol. One row is selected for 'XAMDAMOV UTKIR RAXMATILAYEVICH'.

### 3-расм. Рўйхатга олиш ойнаси.

Худди шу кетма-кетликда малака оширган барча профессор-ўқитувчиларнинг рўйхатини шакллантириб олинг.

### Малака оширган ўқитувчининг маълумотини таҳрирлаш

Киритилган маълумотни таҳрирлаш учун 2-расмда келтирилган ўқитувчининг маълумотини шакллантириш ойнасидан керакли ўзгартиришни амалга оширинг ва сақланг.

### Малака оширган ўқитувчининг маълумотини ўчириш

Малака оширган ўқитувчининг маълумотини ўчириш факат администратор ролидан амалга оширилади. Бунинг учун администратор ролидан **Xodimlar/Malaka oshirish** менюсини танланг. Малака оширган ўқитувчилар рўйхатидан ўқитувчини танланг ва **O'chirish** тутмасини танланг (4-расм).

The screenshot shows the 'Xodim' edit form. It includes fields for 'Xodim' (XAMDAMOV UTKIR RAXMATILAYEVICH), 'Lavozim' (Professor), 'O'qish joyi' (BIMM markazi), 'Yil' (2020), 'Boshlanish sanasi' (2020-01-02), 'Tugash sanasi' (2020-01-31), and 'Malaka oshirish hujjati' (ыўптывальваплан). Buttons at the bottom include 'O'chirish' (Delete) and 'Saqlash' (Save).

### 4-расм. Малака оширган ўқитувчининг маълумотини ўчириш

Малака оширган ўқитувчилар мониторингини 3-расмда келтирилган ойнадан **Monitoring** тутмасини босиш орқали кўриш мумкин (5-расм).

The screenshot shows the 'Malaka oshirish monitoring' interface. It includes dropdown menus for 'Fakultetni tanlang' and 'Kafedrani tanlang'. A table lists one item: '1 OQITUVCHI TEST MAVZUGA' with details: 'Test kafedra1', 'Stajer-o'qituvchi (berilmagan)', 'O'qish muddati - (berilmagan)', 'Yil 140 oy', and 'Muddat' (140 oy).

### 5-расм. Мониторинг ойнаси.

Мониторинг ойнасида рўйхат кўпайиб кетса **fakultetni tanlang** ёки **kafedrani tanlang** майдонидан факультет ва кафедра кесимида фильтрлаш мумкин.